

## ШАРТНОМА № 54-Z

27.07.2022 йил .

Гулистон шаҳри.

Кейинги ўринларда **“Буюртмачи”** деб юритиладиган “Сирдарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи директор З.Базаров бир томондан, матнда кейинги ўринларда **“Пудратчи”** деб юритиладиган «Низомиддин имкон сервис» МЧЖ Низоми асосида иш кўрувчи раҳбари **Ш.Ташкабулов** иккинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

### I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. **“Пудратчи”** ушбу шартнома шартларига мувофиқ Сирдарё вилояти Сардоба тумани Работ МФЙ Ибрат кўчасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. **“Буюртмачи”** эса **“Пудратчи”**га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот нормативлари асосида тузилган лойиха-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағни тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. 2022 йил 25.07 кунги танловда (ЛОТ рақами № 22110012122993) ғолиб бўлиб бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати ( ҚҚС ва барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда **86 090 462** сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, манзиллик рўйхати тасдиқланиб молиялаштирилган маблағи аниқлангандан сўнг тегишли Ҳазначилик тизимидан (Узазбо дастури) рўйхатдан ўтиб, маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан **“Буюртмачи”** махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, 10 банк иш кунида **“Буюртмачи”** томонидан бажариладиган ишлар қийматининг аванс (бўнак) тариқасида 30 % келишилган сумма **“Пудратчи”**нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Маблағнинг қолган қисми Республика ёки маҳаллий бюджетдан **“Буюртмачи”** махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, **“Пудратчи”** томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.4. **“Пудратчи”** томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар 2022 йилнинг 31 декабр кунига қадар **“Буюртмачи”** гатопширилиши шарт ҳисобланади. Курсатилган муддатда **“Пудратчи”** томонидан бажарилган ишлар топширилиши таъминланмаган тақдирда, бажарилган ишлар юзасидан **“Буюртмачи”** томонидан молиялаштирилиш масаласи қайта куриб чиқилади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар **“Буюртмачи”** томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади

### III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**“Пудратчи”**нинг мажбуриятлари:

3.1. Мазкур шартномага илова қилинадиган бажариладиган ишлар жадвалига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва мазкур шартноманинг ишларни бажариш тўғрисидаги 1-илоvasида кўрсатилган жадвал асосида **30 кунда** ишларни бажариб топширади.

3.2. Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда бажариш ҳамда **“Буюртмачи”**га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

Объектнинг ижро ҳужжатларини тўлиқ расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини ва ҳисоб варақ фактуралар (юк хати)дан нусха тақдим этади.

3.3. **“Пудратчи”** мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун **“Буюртмачи”** олдида тўлиқ мулкый жавоб беради. **“Пудратчи”** **“Буюртмачи”** олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун ҳам жавобгар бўлади. **“Буюртмачи”** **“Пудратчи”** билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.

3.4. **“Пудратчи”** геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиқ ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геодезия ишларида хатолар аниқланса, **“Пудратчи”** тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

3.5. Агар беркитилган (ёпилиб кетадиган) ишлар **“Буюртмачи”**нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича **“Пудратчи”** **“Буюртмачи”**нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра уни тиклашга мажбурдир.

3.6. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача **“Пудратчи”** қурилиш монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтари (журнали) юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши акс эттирилади.

“Пудратчи” дафтар (журнал)да “Буюртмачи” томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.7. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланишига “Пудратчи” тўлиқ жавобгар бўлади.

“Пудратчи”нинг ҳуқуқлари:

3.8. Бажариб бериладиган иш учун олинадиган аванс ҳақ тўланишини мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш.

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш.

3.8. Лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари “Пудратчи” томонидан тўлиқ ва сифатли бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлари смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иктисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида “Буюртмачи”ни хабардор қилган ҳолда йўналтирилиши мумкин.

3.8. “Пудратчи” зарур ҳолларда айрим иш турларини бажарилишида лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўз имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин.

3.9. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларида бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

“Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

3.10. Тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатлари асосида бажарилган ишларни меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш.

3.11. Бажарилган ишлар учун ҳақ тўланиши мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинади.

“Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

3.12. “Пудратчи”дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.13. Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш.

3.14. “Пудратчи”дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш.

3.15. “Пудратчи” томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш.

3.16. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

3.17. Агар “Пудратчи” шартномани амал қилиш муддати давомида белгиланган объектни “Буюртмачи” га топширмаган тақдирда, “Буюртмачи” мазкур шартнома муддатлари тугагандан сўнг, бажарилган ишлар учун маблағ бериш мажбуриятини олмайди.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

4.2. “Пудратчи” объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун “Буюртмачи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси тўлаб берилган маблағнинг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар “Пудратчи” томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмаса, “Буюртмачи” тўловларни тўхтатиб, лозим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 % миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 25-32 моддлари асосида белгиланади.



## V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.2 “ Пудратчи ” нинг мазкур шартномани бажариши учун бошқа шартлашувчи шериклари, ёрдамчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, “ Пудратчи ” да зарур маблағларнинг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

## VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгиланган маблағни молиялаштирилиши билан боғлиқ муаммолар келиб чиққан тақдирда “ Буюртмачи ” ва “ Пудратчи ” ўзаро келишув асосида шартномага ўзгартириш киритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Гулистон туманлараро Иқтисодий суди орқали хал этилади.

## VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик тизимидан (Узазбо дастури) рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Объектнинг жорий таъмирлаш бўйича маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан “Буюртмачи” нинг махсус ҳисоб рақамига 2022 йил 31 декабрь кунига қадар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш муддати қайта кўриб чиқилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### “БУЮРТМАЧИ”

Сирдарё минтакавий йулларга буюртмачи  
хизмати давлат унитар корхонаси  
Гулистон ш. Саҳоват кучаси 1-уй.  
Тел/факс: 236-55-16  
ш/х: 304521860242267045129118023  
СТИР: 207 252 998

Директор  З.Базаров



### “ПУДРАТЧИ”

«Низомиддин имкон сервис» МЧЖ  
Гулистон шаҳар Истиклол МФЙ 52/А  
АТБ Агробанк Гулистон ш Филиали  
Х/Р: 2020 8000 1006 0605 4001  
МФО: 00365  
ИНН: 303889362

Рахбар  Ш.Ташкабулов



## ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА .

Ўзаро тузилаётган пудрат шартномасининг шартлари, хусусан, тарафларнинг ҳуқуқлар, мажбуриятлари, кафолатлари, ишларнинг бажариш муддатлари, ҳисоб-китоб ва тўловлар, ишлаб чиқариш, форс-мажор, тугалланган қурилиш объектини қабул қилиш ҳолатлари, шартномани бекор қилиш ҳамда тарафларнинг мулкий жавобгарлик асослари, низоларни хал қилиш тартиби ва якуний талаблар Фуқаролик кодексининг 26, 27, 28 ва-37-боблари ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун талабларига мос келади, шартнома тузувчи шахслар шартномани имзолаш ҳуқуқига эга, шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Сирдарё МЙБХ ДУК  
Бош юрисконсульти:-



Ф.Х.Усаров

" " 2022 йилдаги № \_\_\_\_\_  
Шартномага 1-илова

**БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ**  
Пудратчи ташкилот: «НИЗОМИДДИН ИМКОН СЕРВИС» МСНЖ

№	Иш тури	Жами	Шундан			Жами суммаси
			июл	август	сентябр	
1	Қурилиш монтаж ишлари	74 861 271	11 229 191	63 632 081		74 861 271
2	ҚҚС 15 %	11 229 191	1 684 379	9 544 812		11 229 191
3	<b>Жами</b>	<b>86 090 462</b>	<b>12 913 569</b>	<b>73 176 893</b>		<b>86 090 462</b>

"Буюртмачи"





" " \_\_\_\_\_ 2022 йилдаги  
Шартномага 2-илова

Объект: Сирдарё вилояти Сардоба тумани Работ МФЙ Ибрат кучасини жорий таъмирлаш

**МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ**

№	Молиялаштириш шартлари	Жами	Шундан			2022 йил
			июл	август	сентябр	
1	30 % хажмидаги бунак	25 827 139	25 827 139			25 827 139
2	70 % хажмда жорий молиялаштириш	60 263 323		60 263 323		60 263 323
3	<b>Жами:</b>	<b>86 090 462</b>	<b>25 827 139</b>	<b>60 263 323</b>		<b>86 090 462</b>

"Буюртмачи"



"Пудратчи"

## ТАНЛАШ БАЁННОМАСИ

17-07 2022 йил

Катнашдилар :

**Хайъат раиси:**

З.Базаров

Директор

**Аъзолари:**

З.Таджикулов

Бош мухандис

Ф.Ўсаров

Бош юристконсулт

Ў.Худойбердиев

Тендерларни ташкил этиш бўлими

Ш.Таниев

Бош хисобчи

М.Култаев

Лойиха таъминот бўлими бошлиғи

А.Абдумунинов

Ишлаб чиқариш бўлими бош мутахассис

### КУН ТАРТИБИ

1. Мироб Курилиш Сервис МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.
2. Алишер ХК таклифини ўрганиб чиқиш.
3. Низомиддин имкон сервис МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.
4. Днёржон Дониёржон МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.

Кун тартибиди кўйилган масала юзасидан хайъат раиси З.Базаров сўзга чиқиб, йиғилиш катнашчиларига Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қонунинг 7-боб 60-моддасининг талабларига мувофик Сардоба туман Работ МФЙ Ибрат қўчасини жорий таъмирлаш объекти учун Мироб Курилиш Сервис МЧЖ, Алишер ХК, Низомиддин имкон сервис МЧЖ, Днёржон Дониёржон МЧЖлардан таклифлар электрон шаклда жойлаштирилганлигини маълум қилади.

Хайъат аъзолари ҳамда таклиф берувчиларнинг электрон шаклда жойлаштирилган ҳужжатлари кўриб чиқилганда қуйидаги таклифлар берилганлиги маълум бўлди.

1. Мироб Курилиш Сервис МЧЖ таклифи 86 090 462 сўм ва қурилиш муддати 30 кун
2. Алишер ХК Дисквалификация қилинди.
3. Низомиддин имкон сервис МЧЖ таклифи 86 090 462 сўм ва қурилиш муддати 30 кун
4. Днёржон Дониёржон МЧЖ таклифи 86 090 462 сўм ва қурилиш муддати 30 кун

Хайъат раиси: (З Базаров) ушбу қўрсатилган таклифни хайъат аъзоларига таништирди. Овозга қўйиш натижасида Сардоба туман Работ МФЙ Ибрат қўчасини жорий таъмирлаш объекти буйича Низомиддин имкон сервис МЧЖ Техник жихатдан малакаси юқори бўлганлиги сабабли, ушбу ташкилот билан 86 090 462 сўмга шартнома тузишга қарор қилинди. Харид комиссияси аъзоларида мазкур лот 22110012122993 иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқаларлик мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг (ЎРК-684-сон, 22.04.2021 й.) 23-моддасига қўра, иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси мазкур лот (лар)да иштирок этмапти. Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

Ушбу 22110012122993 сонли лот рақами буйича Сирдарё МЙХБ ДУК томонидан тасдиқланган танлаш баённомаси юзасидан ҳеч қандай эътироз ёки нарозилар юзага келмади.

Овозга қўйиш натижасида 7 та овоз билан Низомиддин имкон сервис МЧЖ ғолиб чиқди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда хайъат

### ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Мироб Курилиш Сервис МЧЖ, Днёржон Дониёржон МЧЖ, Низомиддин имкон сервис МЧЖ ташкилотлардан тушган таклифлари эътиборга олинсин.
2. Танлов ғолиби этиб Низомиддин имкон сервис МЧЖ эълон қилинсин ва ушбу ташкилот билан 86 090 462 сўмга шартнома тузилиши мақуллисин.

**Хайъат Аъзолари:**

З.Таджикулов

Ф.Ўсаров

Ў.Худойбердиев

Ш.Таниев

М.Култаев

А.Абдумунинов























